

Ўзбек-француз Бактрия гурухининг Ўзбекистонда археологик тадқиқот ишларини бошлаганига 2014 йилда 21 йил тўлади. Бу ҳақда, Ўзбекистон Археология институти катта илмий ходими Тўхташ Аннаевга асосланиб, «Халқ сўзи» хабар бермоқда.

Шу муносабат билан 2014 йилнинг 16-17 сентябрь кунлари Ўзбекистон ва Франциянинг катор илмий муассасалари ҳамда университетлари ҳамкорлигида Термиз археология музейида «Бактрия — Тохаристон археологияси ва тарихига оид янги тадқиқотлар» мавзuida халқаро илмий конференция ўтказилади.

«Сурхон воҳасида мазкур анжуманнинг ташкил этилиши халқимизнинг бой ва ранг-баранг меросини ўрганиш, асраш, тарғиб қилиш ҳамда ёш археолог-тарихчи мутахассислар тайёрлашда ўзига хос мактаб бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз», – дейди Тўхташ Аннаев.

Аввалроқ, франциялик археологлар Сурхондарё вилоятидаги катор объектларда, хусусан, эски Термизнинг қалъа ва ундаги муҳофизат истехкомларида тадқиқот олиб бораётгани ҳақида хабар берилган эди.